

*Шеърият  
бўстони*

*Дилдора ҲОЖИМИРЗАЕВА*

**БАҲОРНИ  
СОҒИНГАН  
БОҒИМ**

(Шеърлар)



«Ҳаёт» нашриёти  
Андижон - 2006 й.

84(55)6-5 Бадий әзәбиёт  
Шеърлар



назарет

жонидан

шоиранинг армонли юрагидан

Муҳтарам шеърхон!

Ҳаётни, табиатни, одамларни жонидан ортиқ севган Дилдора-  
нинг ушбу биринчи китобига унинг она-Ватан, вафо-садоқат, эз-  
гулик, дўстлик, она, севги каби ўлмас мавзулардаги шеърларидан  
бир кисми жамланди.

«Баҳорни соғинган бөгим» - шоиранинг армонли юрагидан  
чиққан ҳароратли, дардли аланга учқунлари.

Азиз ўқувчи! Бу шеърлар сизга ҳам манзур бўлишига, дилин-  
гизга чўғ ташлашига ишониб қоламиш.

№ 32033  
Og,

Хожимираева Дилдора. «Баҳорни соғинган  
бөгим». Шеърлар.

11-17-05  
ХГ-ДХ ————— ША  
07-12-05

С. «Ҳаёт». А. 2005.

20/06	Alisher Navoiy
SSS	nomidagi
A	O'zbekiston M



## Мұхаббатдан сўзлаб кетган қалб...

Тақдирнинг ёзиги... кимга қандай битилган, бандасига ноаёндир. Баъзан у ўта шафқатсизлик қиласы: эндигина гуркирашни бошлаган ниҳол бирдан панд беради, нафис атрини таратаётган гул ногоҳ сўлади. Сабабини билолмай қоламиз, вақтида парвариш қилолмаганимиздан ўқинамиз.

Қалби эзгуликка йўғрилган, ўзга қалбларга ўзидан маъсум нур таратаётган, ўзгаларни гўзалликларга ошно этаётган инсонлар дунёни тутиб тургувчилар, дунёни омон сақловчилар, деймиз. Аммо афсуски, баъзан ана шундай нодирқалб инсонлар тириклигида эътиборимиздан четда қолиб кетади.

Дилдораҳон Ҳожимирзаева эндигина гуркираётган ниҳол чоғида, шеърият гулшани ичра эндигина атрофга нафис буй таратаётган ғунча чоғида ёргу дунёни тарқ этди. Унинг ҳеч кимникига ўхшамаган латиф қалби, ҳали борича намоён бўлолмаган зариф назми бор эди.

**Богларингда ҳасратли булбул бўлиб сайрасам,  
Сочларимни армонли нафасинг-ла тарасам,  
Ой чиқмаган кечалар юлдуз каби порласам,  
Адаштириб хаёлинг олислардан чорласам.**

Армонли нафас билан соч тараш - Дилдоранинг кичик кашфиёти. Бундай ўзига хос сатрлар унинг машқларида талайгина. Асосийси унинг ёзганларида



дард бор, ўзи тўйиб яшай олмаган ҳаёт лаззати, гўзаллиги бор.

Тўлиб-тошиб кетса-ю юрак,  
Севгинг агар топталса ерда.  
Сўлса ногоҳ ишқ очган куртак,  
Муҳаббатнинг қалби қаерда?  
Бошларингни урсангу тошга,  
Тунда бир зум юмилмаса кўз,  
Етармикан ул қалам қошга,  
Юракларда яшаётган сўз!

Дилдорадан ана шундай юракларда яшай оладиган сатрлар қолди. У бокира туйғуларини, соф ва улуғ муҳаббатини шеърларига жойлаб кетди.

Ёш шоири қалбига ўтли ва тоза муҳаббат балки Улугнорнинг жафокаш тупроғига пайваста тарзда жо бўлгандир. Балки у бу дунёга ана шундай покиза туйғулар тасвирини чизиб кетиш учун, инсонларга меҳрдан, муҳаббатдан сўз айтиб кетиш учун келгани, вазифасини адо этиб кетгандир?..

Таскин шуки, у ўзидан из қолдира олди. Орзулари осмон қадар юксак, туйғулари заминдек ҳокисор бўлган шоиранинг охирати обод бўлсин!

**ХУРШИДАБОНУ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси  
Андижон вилоят бўлими раҳбари.



## ХАЁТ

Хеч кимга дил ёриб айта олмадим,  
Юракни тирнаган дардларим куйиб.  
Кечиб бу саҳродан кета олмадим,  
Сочиб куявердим шу чўғни суйиб.

Хеч кимга дил ёриб айта олмадим,  
Чин ишқим банд этган масрур хаёлни.  
Ўнгимдан тушимни ажратолмадим,  
Жаннатда кезгандек кўриб висолни.

Хеч кимга дил ёриб айта олмасам,  
Шеъримга дардимни сўзлаб берарман.  
У мени жим тинглар, сўзламаса ҳам,  
Мен уни бир умр ҳаёт биларман.





## МЕҲРНИНГ ЮРАГИДА

Боғларингда хасратли булбул бўлиб сайрасам,  
Сочларимни армонли нафасингда тарасам.  
Ой чиқмаган ярим тун юлдуз бўлиб порласам,  
Адаштириб хаёлинг олислардан чорласам.

Ором билмас юрагим бошингни эгганингда,  
Топармиди, айт, қарор, сен азоб чекканингда.  
Яна келиб хаёлим торини чертганингда,  
Дарё бўлар кўз ёшим айрилиб кетганингда.

Исён қилар туйғулар, ғурур қаддин букмайди,  
Ишқ бу ўйин эмасдир, оғир савдо юклайди.  
Бизлар уни тушунсак, кўзимиз ёш тўкмайди,  
Мұҳаббат, бил, меҳринг юрагида кўклайди.





## БАҲОРЛАРНИ СОҒИНГАН БОҒИМ

Салом, баҳорларни соғинган боғим,  
Бағрига лолалар сиғинган төғим.  
Кўнгил муҳаббатдан гуллаган чоғим,  
Сени соғинаман, гулгун яноғим.

Фариб ҳолимдан бир хабар олиб кет,  
Кел бағримга ёнган чўғни солиб кет.  
Кетсанг гар, умрбод мени олиб кет,  
Ўчиб қолмасидан бевақт чирогим.

Кутиш ҳам шунчадир, этиш ҳам шудир,  
Ошиқни мажнундай этиш ҳам шудир.  
Ютқазиш шунчадир, ютиш ҳам шудир,  
Бир боғ сомон янглиғ бўлди нигоҳим.

## БЕВАФО ЁР

Бевофо дунёга айтиб дардимни,  
Оғир қадам босиб ўтиб борардим.  
Қайтаргим ўзимга муҳаббатимни,  
Дилда юз, минг қайғу ютиб борардим.

Ўтаман иккимиз юрган йўлакдан,  
Хувуллайди юрак, ҳувуллар боғлар.  
Менга чин дилингдан берган тилакдан  
Биргина ёд бўлиб қолди бу чоғлар.

Унут дейман мени бир озга фақат,  
Ёдимдан бир лаҳза кетмагин силжиб.  
Сен вафо қилмадинг, қилмадинг шафқат,  
Мен эса яшарман руҳингни қучиб.



## МЕН СЕНИ

Мен сени бир умр излаб ўтаман,  
Кўзлардан тўқилган япроқ қатидан.  
Баҳорда ҳолимдан огоҳ этаман,  
Ғунчага битилган армон ҳақида.

Мен сени бир умр излаб ўтаман,  
Тунлар бағри ярим ой шуъласида.  
Тонгларда ҳолимдан хабар этаман.  
Булбулнинг нолали ашуласида.


Мен сени бир умр излаб ўтаман,  
Агар умрим бўйи сени топмасам.  
Кетарда, ўлимда огоҳ этаман,  
Мен сендан кечмайман қиёматда ҳам.

## ЧЕКТИРИБ НОЛА

Қалбимни янада чектириб нола,  
Кўзлар ёмғиридан нураган бағир.  
Босмасин майсани бемаврид ҳазон,  
У ҳам келган эди дунёга ахир.

Балки тугмоқчи ҳам бўлгандир ғунча,  
Балки таратмоққа ҷоғлаган исин.  
Бу ҳаёт бераҳм, бағритош бунча,  
Тушуна олмайди майсанинг ҳиссин.

Мұхаббат инсонга беҳисоб тухфа,  
Қайс кезиб бағрига мажнунлик солди.  
Уни бошга солар савдоси турфа,  
Ҳатто оҳ урганда сахролар ёнди.



## АРМОН

Неча йиллар ўтди орадан, билмам,  
Нигохлар тўқнашди хиёл беҳосдан.  
Ёнингизда тураг Барчиндай санам,  
Лаблари пичирлаб сизга армондан.

Илгари талпинсам, энди талпинмам,  
Сиз баҳтли бўлсангиз, мен ҳам баҳтлиман.  
Атиргул кўтариб сиз каби мен ҳам,  
Гул гунча шивирлар, сизга армонман.

Биз бир-биrimизга термулиб боқдик,  
Ўчаётган ишқа яна ўт ёқдик.  
Ёдгордек кўз ёшдан мунчоқлар тақдик,  
Кўзларим йиглайди, сизга армонман.

Ўғилчам ҳам худди сизга ўхшайди,  
Митти қўлчалари юзин силайди.  
Рўмолимни тортиб сочим ўйнайди,  
Сочларим айтади, сизга армонман.

Сиз мени қийнаманг, ортиқ сев деманг,  
Энди бегонасиз етти ётдан ҳам.  
Йўлларимни тўсиб бағрим тиғламанг,  
Йўлларим айтади, сизга армонман.

Армон йўлларидан ўтиб яшайсиз,  
Менга ўзга қўлни тутиб яшайсиз.  
Мени кечиришим кутиб яшайсиз,  
Мен сизга армонман, сиз менга армон.



## ИШҚ САБОГИ

Мұхаббат дардидан мен сабоқ олдим,  
Мурғак юрагимга бир чүгни солдим.  
Кетдинг, изларингга термулиб толдим,  
Бевафо экансан, армонда қолдим.

Яна юрагимни вайрон этасан,  
Айт, қайси боғларни ҳазон этасан?  
Яна, эх, ишларни ташлаб кетасан,  
Бевафо экансан, армонда қолдим.

Дилни хижронларга отмагин, севгим,  
Ортимдан қүёшдек ботмагин, севгим.  
Борим сот, ишкимни сотмагин, севгим,  
Бевафо экансан, армонда қолдим.

## НИГОРИМ

Узок йиллар излаганим сен здинг,  
Узун тунлар бўзлаганим сен здинг.  
Ўзим сен деб, сизлаганим сен здинг,  
Мени ёлғиз ташлаб кетдинг, нигорим.

Кеча-кундуз фақат сени кутардим,  
Келмаслигинг сезсам, дардлар ютардим,  
Келганингда юрагимни тутардим,  
Мени ёлғиз ташлаб кетдинг, нигорим.

Билсанг, сени севганимдир армоним,  
Бевафони суйганимдир армоним.  
Дилга орзу туйганимдир армоним,  
Мени ёлғиз ташлаб кетдинг, нигорим.




## ИЗИМГА ТҮКИЛАР

Изимга түкилар кузак япроғи,  
Сендан яширмоққа кетар йүлимни.  
Юракка сингади армон титроғи,  
Бераҳм түзонлар тутар құлимни.

Сен яна бепарво унугтинг осон,  
Боқмадинг ортимдан бир бора күйиб.  
Үша кун мен каби йиглади осмон,  
Ишқли юрагини құксингта қўйиб.

Сен буни сезмадинг - муздек совуқ қалб,  
Сени кечирмайди севги - муҳаббат.  
Бу ҳиссиз юракни құксингда сақлаб,  
Бемақсад кезарсан токи, то абад.





## НАХОТ

Наҳот фақат мен учун, жоним,  
Азоб бўлиб келгандинг дилга.  
Унотолмай қйналар жоним,  
Ўхшамайсан хатто ҳеч кимга.

Бугун сендан айрилдим аниқ,  
Лекин сени унутаолмайман.  
Хатто ўзга кутса-да интиқ,  
Билки, сендеқ сева олмайман.

Ҳамон сенда менинг ҳаёлим,  
Унотолмай чекарман азоб.  
Бордир сенга ёлғиз саволим:  
Сен ҳам бир бор этарсанми ёд?

Сезармикан сенинг ҳам қалбинг,  
Бир юракни дод деб яшашин.  
Мехр бериб ёдимда қолдинг,  
Энди мендан айро яшашинг.





## КЕЧИБ КЕТОЛМАДИМ

Кечиб кетолмадим дунёларингдан,  
Мени қақ қуригтан саҳроларингдан.  
Ҳаёт излаб икки зиёларингдан,  
Юракни ёнишдан тўхтатолмайман.

Гарчи мен Ширинга Фарҳод эмасман,  
Мажнун чеккан аччиқ, фарёд эмасман.  
Содда бир ошиқман, зиёд эмасман,  
Тунлари ўзимни ухлатолмайман.

Кел, бир бор кафтингни юрагимга қўй,  
Куйдирса, раҳм этма, тагин уни ўй.  
Майли, ёр демасанг, бегона деб суй,  
Мен сенга ўзгани ўхшатолмайман.

## ОЙ АКСИ

Ажиг экан муҳаббатнинг бўстони,  
Якун топар ҳар кун турфа достони.  
Ҳар тун тўлар юлдузларга осмони,  
Афсус, улар ишқ аҳлининг армони.

Тим қарогим ёшлиган ул ёр васли,  
Гўё денгиз устида ойнинг акси.  
Чўкиб кетар тубига гоҳ тонг вақти,  
Афсус, ой ҳам ишқ аҳлининг армони.

Ўшал олов нигоҳимни излаб зор,  
Тўлин ойга термулади кўз ҳумор.  
Атаганми пешонамга битмас ёр,  
Ўша ойдир менинг ишқим, армоним.



## АНОР ГУЛИГА

Күрқаман хаттоки айтишга ошкор,  
Исмингни пичирлаб бир бор тилимда.  
Ишқдан, майли, етсин юракка озор,  
Барибир асрайман сени дилимда.

Туну кун тангрига илтижо қилиб,  
Нигоҳинг бир бора күришдан күйсам.  
Үчрасанг, ортингдан маҳлиё бўлиб,  
Ўзимни бекарор Мажнунга йўйсам.

Ҳаловат йуқолган икки кўзимда,  
Гуноҳи ўзида азобин тортар,  
Лекин бу юрак ҳам айро ўзимдан,  
Хижроннинг бағрида совуқ еб ётар.

## ИШҚИМ ИШОНЧИНИ

Ёлғонми бу кўзлар сувлар сепгани,  
Излаб, ёлғизим деб сени топгани.  
Сени деб туну кун азоб тортгани,  
Ишқим ишончини топтаган малак.

Ҳар бир изларингга тўкилди киприк,  
Бузилди-ку бахтдан яралган қўпприк.  
Энди мухаббатим қоларми тирик,  
Ишқим ишончини топтаган малак?

Тунлар ой юзини юваркан толиб,  
Юракни яралар доғлари томиб.  
Армон ёмғирини ичаман қониб,  
Ишқим ишончини топтаган малак.

Мен сени кутаман қорлар остида,  
Сабрсиз муродлаб совуқ дастида.  
Лоладек гуллайнин қирлар устида,  
Ишқим ишончини топтаган малак.



## СЕН ДЕЯ

Сен дея келгандим дунёга,  
Сен дея кетарман ушбу кун.  
Қалбимни титратган зиёга,  
Ухшайди йиғлатган қаро тун.

Тентираб кездиму чаманлар,  
Лабингдек ғунча лаб күрмадим.  
Санчилди күздаги наштарлар,  
Кўксимни ўзга ниш ўймади.

Мен ўша дард билан яшадим,  
Оҳ, шодман, қанчалар бу ширин.  
Дилни юз нурингта тўшадим,  
Бу даво, сездингми ишқ сирин?

Тақдирми, биримиз самода,  
Ой каби нуримиз ташласак.  
Биримиз қақраган сахрода,  
Адашиб бахтиёр яшасак.

Умид бер юракка бир нафас,  
Сўнгги бор термилиб тўяйин.  
Ёнсину армондек бир қафас -  
Қабримга кулиб бош қўяйин.



## СЕВГИ ҚУРБОНИ

Ниҳол гунча эдим ҳаёт боғида,  
Юзимга хазоннинг рангин суртдим мен.  
Бахтиёрлик кетди ёшлиқ чоғимда,  
Алданиб, авраниб хижрон ютдим мен.

Наҳот энди гирён икки кўзимда,  
Муҳаббатинг юзларига боқмайман.  
Айб сендами ёки асли ўзимда,  
Ростин айтсам, энди сени кутмайман.

Кетдим қайтар йўллари берк йўлакдан,  
Изламагин вафо қалбимдан сарсон.  
Сен кўрсатган азоб ўтган юракдан,  
Бўлган эдим ёлғон севгингга қурбон.

## МУҲАББАТНИНГ ҚАЛБИ

Тўлиб-тошиб кетсаю юрак,  
Севгинг агар топталса ерда.  
Очмай сўлса ишқ деган куртак,  
Муҳаббатнинг қалби қаерда?

Бошларингни урсангу тошга,  
Тунлар бир зум юмилмаса кўз.  
Етармикин ул қалам қошга,  
Юрагимда яшаётган сўз?!

Яна сени қучади хаёл,  
Ёниб рашқда тунлар ойдан ҳам.  
Қизғанасан, қийнап бир савол:  
«Севармикин шундай мени ҳам?»



## ИШҚ БАХТИ

Сен кечдинг покиза муҳаббатимдан,  
Мендан кўзларингни олдингми осон.  
Дариг тутдинг мени саҳоватингдан,  
Ишқинг бозорида юрагим арzon.

Мен телба кечмадим шунда ҳам сендан,  
Ёниб яшайвердим ўлгунча минг бор.  
Тунлар ойга боқиб отардим хандон,  
Чунки йиғлашимдан энди не наф бор!


Токи кўзларингда яшаркан олам,  
Бахтлиман - турибман бир чеккасида.  
Қара, ёниб-ёниб йиғлайди қалам,  
Бармогимни қўйиб ўнг елкасига.

## ЁДИНГ БИЛАН

Ўша куни исминг такрорлаб,  
Ўз-ўзингга қилгандим эрмак.  
Юрагимда умрбод порлаб,  
Колишингни сезмай мен - тентак.

Энди ҳар он тортаман азоб,  
Исминг айтиб йиглаб кечалар.  
Мен бошимни қайга отаман,  
Бу ишқингдан кечгин десалар?!

Ёдинг билан яшаб юрибман,  
Тортиб олма буни ҳам мендан.  
Ишқ олдида маъюс турибман,  
Минг бор узр сўрайман сендан.





## ҚОШИНГ ТОБУТИДА

Қошинг тобутида ётибман айро,  
Күмилмай тун каби қаро күзингга.  
Рұхим беоромдир бу хүрлик аро,  
Хатто бу хазинлик сингган юзингга.

Мен учун бир парча күнгил четидан,  
Қабр оч, бераҳм, күм мени унга.  
Қаровсиз қолсам гар юрак қатида,  
Мен сени йүқлайин дард бериб дилга.

Эсласанг, дод солиб ёрилсін осмон,  
Бағридан дард каби түкілсін юлдуз.  
Йигласа, муҳаббат боқиб мен томон,  
Узр айтмоқ учун тополмагін сүз.

## ОСМОНИМГА ТҮЛМАДИ ЮЛДУЗ

Мени ютди хижрон гирдоби,  
Тинч қўймади васлинг азоби.  
Осмонимга тўлмади юлдуз,  
Бормикан деб дарднинг адоги.

Юрагимда ёнди садоқат,  
Бу аламга қилолмай тоқат.  
Осмонимга тўлмади юлдуз,  
Ўчиради вафо деб фақат.

Қўрай дея кўчангга ўтиб,  
Ўз-ўзимга тоқатни тутиб.  
Осмонимга тўлмади юлдуз,  
Кўзларимдан маржон ёш тўкиб.



## ХАЁЛИМ

Сен мени унутмоқ истадинг,  
Кечдинг узун, бедор түнлардан.  
Бахтингни кимлардан изладинг,  
Қувондинг ўткинчи кунлардан.

Бир куни келишин сезмадинг,  
Иккимиз излаган тилакни.  
Нега ўлтирумадингда, эзмадинг,  
Мұхаббат етмаган юракни?

Мана, яшаяпман тилакда,  
Лек сенсиз ҳувиллар баҳорим.  
Ғүнчадек покиза юракда,  
Осуда отолмай наҳорим.

Унутмоқ мушқулми ох, шундай,  
Тұдими мұхаббат заволи.  
Тұғондек чайқалар бошимда,  
Сен билан яшаган хаёлим.



## АЙИРМА

Мен қайноқ чүлларда құм тепаликда,  
Тупроққа тиззамдан ботиб бораман.  
Мажнунни излайман даштда, кенглиқда,  
Унингдек ишқ дардин ютиб бораман.

Гар тикан устига хориб йиқилсам,  
Бағримга майсадек ботади у ҳам.  
Саҳрода ёмғирдек зриб түкілсам,  
Үндаги лолалар гуллайди тутам.

Саҳронинг құшиғин эшитинг тунда,  
Гоҳ кулар, гоҳ йиглар тинмасдан.  
Гүё мажнун құшиқ айтади унда,  
Юлдузлар сұнади, ерга құнмасдан.

Ҳамон кезинаман тополмай қарор,  
Фалак күп қийноққа солади мени.  
Үнга бир сўзимни айтаман такрор:  
- Фақат орзуйимдан айирма мени.



## КУЙГАН ДИЛ

Субхидаамда оху күзинг,  
Гулга шабнам илиб кетди.  
Мен асраган мұҳаббатни,  
Киприкларинг тилиб кетди.

Даркормиди, менга айт, ёр,  
Шунча алам, шунча дард, ишқ?  
Биз bogлаган дил йүлининг,  
Кўприклари синиб кетди.

Баҳор келди музлар эриб,  
Шаршаралар ҳосил бўлди.  
Сен қўмсаган баҳор келиб,  
Хатто тошлар эриб кетди.

Мажнун бўлиб сахро кездим,  
Куёшмидинг, айт, севгилим.  
Ишқда куйган дил оҳига,  
Бутун замин ёниб кетди.

Севганимни билиб туриб,  
Сен беларво боқдинг, гулим.  
Ўша кунги боғбон сени,  
Ўзга боғга олиб кетди.



## ДАРД

Мен яна құмсайман ўша кечани,  
Унұтмоқ истаган сен ўша тунни.  
Дийдоринг ёндирган неча-нечани,  
Хазондай сарғайтири дард ила хүнни.

Адо этгай тамом, лекин не қилай,  
Богланиб қолғанман ёлғыз ўзингга.  
Сен кечмоқ истайсан, лек мен не қилай,  
Кет деб, кечолмасам икки күзингдан.

Сен тамом ўчирған хотираларда,  
Билки менинг тоза юрагим яшар.  
Дард сиқиб чиқарған сатраларда,  
Күзимни күйдириб ёшларим тошар.

## ҚАНДАЙ ЧОРА БОР?

Эй покиза ғунча, ифорли гулим,  
Сенинг сирларингдан огоҳдир дилим.  
Ёлғон түйгуларнинг бўлмагин қули,  
Севги ўткинчириб, ўткинчи севги.

Мени ўлаб тунлар бўлиб сиз бедор,  
Ёрим билан кўриб йигъламанг зор-зор.  
Севгингиз пинҳона қилдингизми ор,  
Бу севги баҳори ўткинчи баҳор.

Оғир хўрсинасиз, қизил юзлигим,  
Нечун кўнглингизга берасиз озор.  
Ашъорлар битибсиз, қора кўзлигим,  
Кўнгил дардингизни айлабон изҳор.

Мен сизни севаман, севгандек барча,  
Сиз буюк севгига лойиқсиз, ниғор.



Мени деб куюнманг, ўйламанг қанча,  
Сиз каби менинг бир гўзал ёрим бор.

Дунёда жамики баҳтни тилайман,  
Насиб этсин кўнгил тилагандек ёр.  
Энди не қиласай мен, нима қиласай мен,  
Баҳт тилашдан ўзга қандай чора бор.

### СИНГЛИМ

Тақдир йўли икки ёнга айирди бизни,  
Кўролмаган қаро кўзлар айирди бизни.  
Тақдим этди тақдир лайло бир қизни,  
Лекин сендеқ севолмадим, жон синглим.

Согинсам гар кўзларинг, юлдузга боқдим,  
Тонгда оппоқ рўмолинг булутдан топдим.  
Эрта баҳор сўлган лола кўзини ёпдим,  
Лекин сени тополмадим, жон синглим.

Атаб тиккан эдинг ажиб рўмолча,  
Үраб юрагингдан бердинг бир парча.  
Уни асролмадим уринмай қанча,  
Энди сени эслаб бағрим қон, синглим.

### ҚИЗЛАРНИНГ ҚАЛБИ

Бир куни бевафо дилдор тўйида,  
Умидсиз боқарди икки кўзларим.  
Шу куни бир ўзим соҳил бўйида,  
Кезардим, муҳаббат йўқ деб бўзлардим.

Келгандинг ўша кун қаердан, ёрим,  
Юракни эзгувчи сўзлар айтгандинг.  
Овозинг малҳамдек туйганди дилим,  
Умидсиз соҳилдан олиб кетгандинг.



Ушбу кун сен мени қутқарған кеча,  
Дунёга қайтардинг меҳрингни бериб.  
Келар деб кутдимку соҳилда қанча,  
Дийдоринг тафтида кетай деб эриб.

Не учун келмадинг - бермадинг дарак,  
Ё сен ҳам кетдингми ўша ёр каби.  
Сендеқ мен ҳам эдим безовта юрак,  
Бари бир эканку қизларнинг қалби.

### ОЛИС ОЛИБ

Олис олиб осмонларимни,  
Тунлар ойдан ололмасдинг кўз.  
Янчиб сочинг - армонларимни -  
Сочиб қўйдинг мисоли юлдуз.

Энди ўша эсган шаббода,  
Иzlар сени хаёлларимдан.  
Топилмаса ахтариб гоҳда,  
Тортар тонгда рўмолларимдан.

Айбларингни олгин бўйнингга,  
Ҳақиқатни яширма ортга.  
Сен ишқимни ёлгон йўйдинг-да,  
Ўхшаб қолдик иккимиз ётга.

### МЕҲР ШАМИ

Зулматидан нур истадим бир умр,  
Мен бечора топарман деб дилингдан.  
Вақт ўтади, тушунганда сен охир -  
Кўзларимнинг қолганини йўлингда.

Қўрқар эдим кўзларингга боқишдан,  
Музлаб қолар миттигина юрагим.



Бегонаман сенга унча ёқишдан,  
Сезмай қолдим энди сенга керагим.

Балки сендан тополмаган қүёшни,  
Үзга қалбнинг тонгларидан топарман.  
Шунда фақат сенга бериб бардошни,  
Юрагинда меҳр шамин ёқарман.

### ХАЁЛИМДА

Хаёлимда исминг тўфони,  
Вужудимда титроқнинг сири.  
Қулагандек юрак қўргони,  
Кўзларимда армон ёмгири.

Соғинч босган кипригимда чанг  
Маҳкам, кўчиб кетолмас ундан.  
Кўзларимни очаман аранг,  
Мени ташлаб кетдингми чиндан?

Вафо қилди кипригимга чанг,  
Вафо қилди кўзларимга ёш.  
Сенчи вафо қилмадинг, аттанг,  
Кўксингдаги юрак эмас, тош.

Хайрлашмоқ шунчалар осон,  
Қанот қоқиб учолмас орзу.  
Қандай нафас олдийкин виждон,  
Наҳот бўлса бу ёлғон туйғу.

### ҚАРОҒИМДА

Эркам, қаршингдаман - пирпираган шам,  
Ёниб, ўз жиссими ни ўзим эритдим.  
Гўзал чеҳранг бўлиб дилимга малҳам,  
Зулмат - тунларингни чароғон этдим.



Қарогим ичидә яшарсан мангу,  
Юрагим тубига чүккан гавхарим.  
Мени асир этди ишқ өдеган қайғу,  
Сенсиз бу дунёда йўқдир асарим.

Мени ташлаб кетма, йўқла ҳар сахар,  
Ўнгу тушларимда бўлгин ҳамроҳим.  
Бизга насиб этсин келажак баҳор,  
Ёруғ у кунларга етказ, илоҳим.

### СЕН КЎКСИМГА ҚЎЙГАНИНГДА БОШ.

Нега қийнар мени муҳаббат?  
Нима эди қилган гуноҳим?  
Маҳкумдирман энди то абад,  
Хижрон, қайғу бўлиб ҳамроҳим.

Мен учун йўқ отаётган тонг,  
Мен учун йўқ ботгувчи қуёш,  
Қуёш каби, тонг каби чехранг,  
Сен кўксимга қўйганингда бош.

### УЛ ЁР

Пинҳон тордим ишқнинг азобин,  
Малҳам берди юракка қалам.  
Тўлганида ғурбатга бағрим,  
Малҳам бўлди ҳаёлий олам.

Баъзан кетдим ёрдан йироққа,  
Унутмоқ чун азобни секин.  
Сочиб қўйдим оппоқ вараққа,  
Дардларимнинг зэйлан ҳокин.

Муҳаббат деб ёнди қалбим ҳам,  
Яна ёқдим бағрим тўла чўғ.



Куриб қолди күзларимда нам,  
У сиз лабда табассумим йўқ.

Телбалардек тутиб ўзимни,  
Мажнунликни қилсам ихтиёр.  
Саҳроларга бурсам юзимни,  
Билинг, бунга сабабдир ул ёр.

### БАРДОШ

Алдандим ўткинчи ҳавас - туйғуга,  
Алдади севгининг бевақт ташрифи.  
Күзларим ёр бўлди тунлар уйқуга,  
Шунчалар буюкки, етмас таърифим.

Ёр келса ёнимга, маҳлиё бўлиб,  
Кўнгилга баҳорим келгандай, кулдим.  
Энди чин борлигим зим-зиё бўлиб,  
Хазонлар ургандай бемисил сўлдим.

Ўша манзилларга кўмилди руҳим,  
Суратим кезади энди то абад.  
Муқаддас мен учун ўша дард, оҳим,  
Муҳаббат юракка беради мадад.

Мен сизни эсласам кўзларим қотиб,  
Энг ширин хаёлга кўмилиб кетар.  
Бир умр согинчда аламни ютиб,  
Бардоши кўксига босганча ўтар.

### ИШҚ ТИКАНИ

Сочларимни ўрди янгалар,  
Ўсмаларни қўиди янгалар.  
Ўлан айтиб зор-зор йиғлатиб,  
Бағри- дилим ўйди янгалар.



Яногимда қотди күз ёшим,  
Айро түшди палахмон тошим.  
Софинг ютиб армон дардидা,  
Не кунларни күрди бу бошим.

Тутмасмикин бир кун уволи,  
Пок севгимиз топган заволи.  
Күйолмайман сени тупроққа,  
Ишқ тикани кирган товоним.

### ТАҚДИР ЭКАН

Шод бўлмаган дилимдан сўра,  
Исминг қўймас тилимдан сўра.  
Ёр, ўзгага ёр бўлган куним,  
Қорлар ёққан қиримдан сўра.

Ёр-ёр айтманг, қизлар, суюниб,  
Остонамда баҳтим йиғлади.  
Қолиб кетди зор-зор куюниб,  
Кўнгил севган ишқим йиғлади.

Изингизга ғам сочган ўзим,  
Илк бор ёр деб кўз очган кўзим.  
Бевафо деб атаманг факат,  
Тақдир экан, не қилай ўзим.  
\*\*\*

Кетолмайман сиздан юмиб кўзимни,  
Ўтли нигоҳингиз айлаган шайдо.  
Қанча олиб сиздан қочмай ўзимни,  
Яна қаршингизда бўламан пайдо.  
\*\*\*

Кўксингиз осмон, мен юлдузман осмонни қучган,  
Ўртаса хижрон, минг бўлакка бўлинниб кўчган.  
Таратиб ёғду, гўё шамдек эрибла ўчган,  
Мен сизни, мен сизни шундай севаман.



## ХАЗИЛ ШЕЪР

Севган қызин дарвозаси нақшли,  
Йигит күзи дарвозага бокишили.  
Чиқиб қолар дея қарар тешикка,  
Айтар ошиқ менга эмас, эшикка.  
Қиз чиқади қовогидан қор ёғиб,  
Икки жайрон күзларидан ёш оқиб.  
Йигит шүрлик қолиб кетар бўронда,  
У совуқдан гирип бўлар чамамда.  
Асалим дер, нозигим дер гул тутар,  
Бир кулинг дер,вой, бечора, қон ютар.  
Илжаяди, жами тўртта тиши бор,  
Кампир деманг,тишда нима иши бор.  
Олиб берса марожнани ямлайди,  
Йигит шўрлик бармоғини ялайди.  
«Яна олиб берасизми-а? сўрайди,  
Йигитнинг бўш чўнтаклари, «хўнграйди».  
- Қаердан ҳам учраб қолдинг, гўзалим,  
Оқиб тушсин сени кўрган кўзларим.  
- Ундей дея энди қилманг афсуслар,  
Мени севган асли сиздек Мажнунлар.

## САҲРОДАГИ ГУЛ

Қуш учса, қаноти куяр саҳрова -  
Улғайибди сувсиз биргина ғунча.  
Вафо ва садоқат бўлиб андоза,  
Нажот кутар экан қуёш ботгунча.  
Бир кун шу саҳродан мусоғир - ғариф  
Йўл босиб бораркан ғамгину беҳол.  
У гулнинг ёнидан ўтганда хориб,  
Тикан илинибди кийимга алҳол  
Йўловчи кетибди сезмай гул дардин,  
Оқшом баргларин гул ёйибди аста.  
Ҳеч ким ўқиёлмас дея дил арзин,



Саҳаргача йиглаб бўлибди хаста.  
«Неча карвон ўтди кўтариб тўзон,  
Барчасин рад этиб кутдим ўзингни!  
Сендан ўзгани дил демади султон,  
Не замонлар кутдим ўтар йўлингни!»  
Саҳрода турибди бирдан чанг-тўзон,  
Еру кўк қум билан ўраб чирмалди.  
Бари селдан бўлди шўрлик гул хазон,  
Йўловчи қайтаркан кўзи қадалди.  
Қуриган қирмиз-барг интилди лабга,  
«Ушалмаган орзу» деди хаста гул.  
Аммо ўшандা ҳам етмай сўз қалбга,  
Гулнинг қолгани ҳам қуриди буткул.  
Йўлингиз тушса гар саҳро йўлига,  
Ёлғиз бир ғунчани қидиринг қараб.  
Ва бир йўловчини гули - қўлини -  
Гул ўпган лабининг қолганин қақраб.

### ЁР-ЁР

Зуҳро юлдуз кулган кеча,  
Ой кечаси, ёр-ёр.  
Менинг ёрим ўшал ойнинг,  
Бир парчаси, ёр-ёр.  
Очилмаган ғунча эдинг,  
Атрин сочган, ёр-ёр.  
Куйдирмагин бунча энди,  
Атиргулим, ёр-ёр.  
Оппоқ либос сенга шунча,  
Ярашибди, ёр-ёр.  
Кўкда ойла бунча ҳусн,  
Талашибди, ёр-ёр.  
Ота-онанг берган дуо,  
Ёр бўлсине, ёр-ёр.  
Муҳаббатинг юрагинда,  
Бор бўлсине, ёр-ёр.



.... га

Нигоҳинг изладим, туну кун куйдим,  
Не бало бўлдию мен сени сўйдим,  
Мұҳаббат нелигин кўнгилда туйдим,  
Мен сенга юракни олдириб қўйдим.

Соғинсам кўз ёшдан аламни олиб,  
Ўртадим дилимни хижронда қолиб.  
Ёрилди осмониб титроқقا солиб,  
Мен сенга юракни олдириб қўйдим.

Бу менга берилган ишқнинг жазоси,  
Бошимда бор экан ширин савдоси.  
Қаро кўзларингнинг бўлиб гадоси,  
Мен сенга юракни олдириб қўйдим.

Кўзимни очганда ёриғлигим сен,  
Дунёда борлигим, тириклигим сен.  
Мен чеккан дардларга шериклигим сен,  
Мен сенга юракни олдириб қўйдим.

Кўнглим саҳро каби ловиллаган чўғ,  
Оромим йўқ дилда бирон тиним йўқ.  
Сен учун азобдан ўзга йўлим йўқ,  
Мен сенга юракни олдириб қўйдим.

## ҮЗИМГА ҚАЙТ


Борингда етмадим қадрингга,  
Назар ҳам солмабман сабрингга.  
Ураман бошимни қабрингга,  
Үзимга қайт, ёрим, үзимга.

Эркалаб сочингдан тортмадим,  
Мен ҳою ҳавасдан ортмадим.  
Қуёшдек күксингга ботмадим,  
Үзимга қайт, ёрим, үзимга.

Мен кулсам, қувончдан йиғлардинг,  
Қоқилсам, дилингни тиглардинг.  
Үмримга сен умр тилардинг,  
Үзимга қайт, ёрим, үзимга.

Надомат юрагимни ёради,  
Нигоҳинг дилимда қолади.  
Мени минг қийноққа солади,  
Үзимга қайт, ёрим, үзимга.





\*\*\*

Күзларим сўзлади, йигладим унсиз,  
Япроқдек бағрингга оҳиста қўндим.  
Мен сени кечирдим, кечирдим сўзсиз,  
Бир лаҳза йўқотиб, минг бора ўлдим.

Тиканлар бағридан лоладек унди,  
Гўёки ёмонлар дастидан тўйиб.  
Бизларга ёд бўлди, кўзини юмди,  
Мен сени авайлаб асрадим суйиб.

Ёмонлар яшолмас биз қурган тахтда,  
Товонин қўёлмас остоナмизга.  
Биз эса тўламиз мисоли шабнам,  
Юлдуздек товланиб гул косасига.  
\*\*\*

Нега мени қийнайсан, юрак,  
Нима эди қилган гуноҳим?  
Сенга амр қилганди истак,  
Энди эса қийнайди оҳим.

Қаерлардан учратдим сени,  
Бир зум илсиз боғландим сенга.  
Ўша илк бор, ўша сўнгини,  
Висол эмас, армон де менга.

Азобларинг камми шунчаси,  
Хазон этар бир куни мени.  
Табассумим - ғамлар тұнчаси,  
Унутсадим бир лаҳза сени.

Кечиролсанг, кечир, муҳаббат,  
Алладик иккимиз сени.  
Мен кўр эдим, у эса - бир баҳт,  
Баҳтсиз қилди биргина мени.



\*\*\*

Сизга боқиб күзларим толди,  
Термуламан мажолсиз яна.  
Юрагимда юрак йўқолди,  
Севаман деб қиласиз таъна.

Мен не қилай, сўйлайвериб ох,  
Хатто лабим қолди пичирлаб.  
Бунга фақат юрагим гувоҳ.  
У чидолмай қолди питирлаб.

Дард таъми бор кўз ёшларимда,  
Хижронларга ўт қўйиб сизар.  
Нигоҳларинг ўнг - тушларимда,  
Мени жонсиз, мажолсиз эзар.


\*\*\*

Тақдирга тан бериб, туйғуга аср,  
Юрагим мен учун юборган хазил -  
Йиқитди, ноилож руҳим кетди зил,  
Мен ўша кўз ёшдан топдим ҳаловат.

Музлаган юракни иситди меҳр,  
Хазонга айланди - тўзғитди қаҳр.  
Менга жон баҳш этган ишқингдир ахир,  
Мен ўша ишқингда топдим садоқат.

\*\*\*

Олса, жон олсин, э ёр, сочимнинг бир толаси,  
Изларимга бўлсанг зор, ўтирсин ишқ ноласи.  
Кўзларингда чақнаган қўёшларда аксим бор,  
Эриб кетсин, майлига, кўзларингнинг қораси.



## МУҲАББАТ

1.

Севаман. Биринчи муҳаббат,  
Яшайсан армонлар кўлида.  
Кўнгилга тилайман мен тоқат,  
Учрасанг сен агар йўлимда.

Севаман. Биринчи муҳаббат,  
Кулмагин мен телба устидан.  
Кўрмадим мен сенда садоқат,  
Алдамчи туйгулар дастидан.  
Севаман. Биринчи муҳаббат,  
Осмонда тўламан ой бўлиб.  
Чақнадим бир лаҳза омонат,  
Юлдуздек кўксингга жо бўлиб.

Севаман. Биринчи муҳаббат,  
Бахтлиман покиза юракда.  
Жисмимни гуллатган юрак-ла,  
Яккаман феруза фалакда.  
Севаман. Биринчи муҳаббат,  
Унутма, бир умр тут ёдда.  
Сен эслаб чекмагин надомат,  
Мендек ёр топмасанг ҳаётда.

2.

Мен кузатдим очиқ юз билан -  
Сизни ўзга оламга шодон.  
Таъриф этмас битта сўз билан  
Куйиб қолдим ишқимга пинҳон.

Тан бердиму тақдирга ахир,  
Лек юракдан кўрқиб яшадим.  
Сиздан кечмоқ бўлса-да оғир,  
Хаёлимдан юлиб ташладим.



Атолмайман мұхаббатим деб,  
Яшираман тушларимдан ҳам.  
Түйгүлардан дилга бердим зеб,  
Күзларимдан оқиб турар ғам.

Сизни севмоқ мен учун гунох,  
Лекин кетмас бир он тилагим.  
Эңг муқаддас түйфуга гувох,  
Мұхаббатим, митти юрагим.

### ҮЗИММАН

Йиглама, тунлари уйғонсанг чүчиб,  
Бир бағр топмасанг босгувчи бошинг.  
Парвона капалак мисоли учиб,  
Мен үзим бўламан сенинг сирдошинг.

Бевафо үзимман, биламан буни,  
Қоронғу тунларда ёлғиз қолдирган.  
Минг баҳтли онларга тўла бир куни,  
Сени кўзда ёшла толдирган.

Не қилай, орамиз этилган айро,  
Лекин ёлғизликка сиғинолмайман.  
Ёлғизгина сенга бўлганман шайдо,  
Мен сендан ўзгани согинолмайман.

### МУҲАББАТГИНАМ

Сен кетган йўлларга термулиб толдим,  
Бир зумда нигоҳим изингдан олдим.  
Сен дея юракни азобга солдим,  
Эҳ, менинг девона мұхаббатгинам.

Бир сени ўйлардим кечаю кундуз,  
Ошкора айтмоққа тополмасдим сўз.



Балки севгимизга тегдимикан күз,  
Эх, менинг пинҳона муҳаббатгинам.

Тик боқсам, ортингдан ташламай күз қир,  
Хайқирсам севаман сени дея бир.  
Бу янглиғ иккимиз топмасдик жабр,  
Эх, менинг садпора муҳаббатгинам.

Мен севиб, севилиб яшасам сен-ла,  
Жон бериб, берилиб яшасам сен-ла,  
Ишқингдан дил зриб яшасам сен-ла,  
Қолмасди армона, муҳаббатгинам.

\*\*\*

Кўксимда ёнган бу оловни,  
Ўчирманг, истамам сира ҳам.  
Сочимда оқарган қировни,  
Таққандир ишқ деган ширин ғам.

\*\*\*

Күёв бола келтирас рашкин  
Келинчак-гул, юзлари қирмиз.  
Қаранг, йиглар бир чеккада жим,  
Оқ либоси армон бўлган қиз.

Афсус чекар, ўтди барчаси,  
Ҳар нафасда тортади азоб.  
Қон бўлади юрак парчаси,  
Ҳақдан келган энг аччиқ жазо.

Енгил бўлди шунчалар туйғу,  
Оқибатин қилмади фараз.  
Кечалари билмайди уйқу,  
Үлган энди энг олий ҳавас.

Баҳорлари хазон қизларга,  
Армон бўлди бу ҳарир либос.  
Ярашмайди энди сизларга,  
Ғунча деган покиза қиёс.

## ТУГАЛЛАНМАГАН ШЕЪРЛАР

Шу оддий қаламдан түкилган сўзлар,  
Сенга бўлган меҳр ифодасидир.  
Ўтли боқиб турган бу қора қўзлар,  
Юртим, истиқболинг нишонасидир.  
\*\*\*

Тарк этдими гўзал туйғулар,  
Сени эслаб титрамади қалб.  
Бошга тушган оғир қайгулар,  
Ажратдими ёлғизлик истаб.  
\*\*\*

Қўрқаман, оҳ, ҳувиллаган дил,  
Гўё мени ютишга қодир.  
Ўтинаман қалбга тўлиб кел,  
Менга жуда кераксан ҳозир.  
\*\*\*

Қалбим гўё булатли осмон,  
Кўзларимдан ёғар ёмғири.  
Балки буни айтишдир осон,  
Балки шудир соғинчнинг сири.  
\*\*\*

Мени сенга айтар гапим кўп,  
Дардкашим бўл, тингла барини.  
Сочим сила, пешонамдан ўп,  
Ортга қайтар ёшлик даврини.  
\*\*\*

Кўзим бир томчи ёш билан тўлиб қолди,  
Кувонч тўла дунё ёлғон бўлиб қолди.  
Умид гули очилмайин сўлиб қолди,  
Аста боқиб: «Унут мени», -деганингда.  
\*\*\*

Хатто бугун кўзингдаги ёш,  
Оширади хуснингни минг бор.  
Мен учун-чи, тақдир - бағри тош,  
Сен бўласан ўзгасига ёр.



\*\*\*

Тақдиримдан яшайман нолиб,  
Ёлғиз сени менга күрди күп.  
Кул бўламан бир куни ёниб,  
Ишқ бўгингта мен учун гул сеп.

\*\*\*

Ишқимизнинг кўз очган куни,  
Иккимизни азобга солди.  
Мен-чи, кутдим бир умр сени,  
Хумор кўзим йўлингда қолди.

\*\*\*

Тўлиб кетди юракка алам,  
Йиғлай десам ёш йўқ кўзимда.  
Коронгудек гўё бу олам,  
Ихтиёrim эмас ўзимда.

\*\*\*

Унутай деб юмсан кўзимни,  
Қароғларим ортида чеҳранг.  
Бепарводек тутсам ўзимни,  
Яна аср этади сехринг.

\*\*\*

Бунчалар сиз райҳондек сўлим,  
Кўзингиз-чи, маржон ёш тўкар.  
Сиз куйинманг, беозор гулим,  
Битта менинг куйганим етар.

Энди йиғлаб ўртаманг зор-зор,  
Майли, бўлинг ўзгага дилбар.  
Тақдим этинг ширин табассум,  
Битта менинг куйганим етар.

Булбул бўлинг ишқ бўгларида,  
Овозингиз оламни тутар.  
Ёнмай кузнинг хазонларидаидай,  
Битта менинг куйганим етар.



\*\*\*

Қоқилдим, эгилиб, йиқилди деманг,  
Гунчаман, очилиб түкилди деманг.  
О, ҳали олдинда менинг манзилим,  
Мен бахтга боғлансам, сўқилди деманг.

\*\*\*

Юракда янгради сехрли бир куй,  
Энг юксак түйгулар қилди асира.  
Ишқим осмонида туйганим бу ўй,  
Мени ва севгимни абадий аспра.

\*\*\*

Илк бор кўзларимдан ёғилган нурсан,  
Илк бор кўзларимда унган кипригим.  
Менга оқ сут берган онадай хурсанд,  
Менга шодлик берган сенинг шодлигинг.

\*\*\*

Илк бор боққанимда қаро кўзингга,  
Йиглади кўзларим дув-дув ёш тўкиб.  
Ўрганиб қолдию бийрон сўзингга,  
Бир умр қолди ҳам тубига чўкиб.  
Дардларимнинг достонин тингла,  
Азоблардан қутқаргин мени.  
Мұҳаббатнинг нелигин англа,  
Борлиғимсан, севаман сени.

\*\*\*

Ўзи берар тақдирни, дард бор эди кўзида,  
Учраштирди иккимиз мұҳаббатнинг кузида.  
Гунча очган ниҳолим музлаб қолди қаҳрингдан,  
У яшади қувониб бир лаҳзача бағрингда.

\*\*\*

Хайрлашмоқ онлари сокин  
Шамол бўлиб елгим келади.  
Аммо сизни ёнингизда ҳам,  
Яна сизни кўргим келади.



\*\*\*

Йироқдирман сиздан шунчалар,  
Яқындырман шунчалар дилга.  
Беорому ғамгин бу кунлар,  
Айлантирап жисмимни кулга.

\*\*\*

Күзларимга яшираман севгимни,  
Боққанимда ўт солар деб юракка.  
Хижрон ютди дил излаган қулгимни,  
Сочиб қўйдинг уни кўнгил йўлакка.

\*\*\*

Сизга айтар дил сўзларим кўп эди,  
Қошингизда бошим эгик туриб жим.  
Дилимдаги тортилган ип ишқ эди,  
Тақдирга тан бериб мен уни уздим.

\*\*\*

Ҳар тоңг сени исминг айта уйғонаман,  
Севгимиизга таҳсин айта уйғонаман.  
Ишқ дардидаги тунлар бедор чиқиб ҳар дам,  
Кечаларда қайта-қайта уйғонаман.

\*\*\*


Мен чопқиллаб ўтган кўча,  
Онам зартак айтган кеча.  
Орамиздан ўтган неча -  
Йиллар ҳамон хаёлимда.

\*\*\*

Менга сирдош бўлди кўкда тўлин ой,  
Тушларимни жим тинглади тошқин сой.  
Ифори бўлмаса, гулда йўқ чирой,  
Бу сўзимни қулогингга қуйиб ол.

\*\*\*

Қадрингизга энди етдим,  
Нега сизни ташлаб кетдим.  
АЗоб қўлин ўзим тутдим,  
Энди чидаб тутолмайман.



## БАҲОР ЁМФИРИ

Ёмғир ёғар шигиллаб,  
Сирларини шивирлаб.  
Үт чақнаса күзидан,  
Осмон кетар қимирлаб.

Ювиб замин юзини,  
Очар майса күзини.  
Яшнаб кетиб қири дашт,  
Танимайды ўзини.

Бошин згиб ялпизлар,  
Анҳор бўйида бўзлар.  
Толполук таққан қизлар,  
Кирда бойчечак излар.

## ТАҚДИР

Кенг ҳовлида ҳаммаёқ гавжум,  
Фақат сенинг хаёлларинг жим.  
Дугоналар айтади ўлан,  
Бу он ўйинг ўғирлаган ким?

Кўз ёшларинг қурибди охир,  
Табассуминг нотаниш бир сир.  
Дардларингни ютма ичингга,  
Барчасига айбдор тақдир.  
\*\*\*

Чалинган най бунчалар кўйди,  
Бир бечора бағрини ўйди.  
Ишқ дардини сезмас деб ҳеч ким,  
Муҳаббатга ишонмай қўйди.  
\*\*\*

Кечиринг, кўнглимнинг кўчалари банд,  
Келдингиз сиз унга bemavrid - бевақт.  
Мени адо қилган муҳаббат дарди,  
Кўзимга ғам солди, юрагимга баҳт.

## ОРЗУ

Осмонларни қучди орзум,  
Тарқаб кетди ҳар ён тиагим.  
Оқкуш бўлиб учди орзум,  
Қон бўлар бир парча юрагим.

Ноумидлик эшигини ёўл,  
Армонларга айланма, баҳтим.  
Энди мени ўзинг излаб топ,  
Йўқотмагин, сўнмасин шаҳдим.

Баҳтим бўлиб юрагимга қўн,  
Ўтинаман, кетмагин мендан.  
Сўнсанг, менинг юлдузим-ла сўн,  
Хазон бўлгум ажралсан сендан.

Эслаб сени тўлиб кетаман,  
Кузги баргдай сўлиб кетаман.  
Майли десанг шу юрагимга,  
Ёлғиз сени солиб кетаман.

## УМИД

Умидлар юлдуздек тўлдириб фалак,  
Бири сўнганида порлагай бири.  
Гўё фалак каби бир парча юрак,  
Сен билан боғлиқдир улар тақдири.  
Энг ёруғ юлдузни тутмоқлик учун,  
Энг баланд тоғларнинг чўққисига чик.  
Ширин хаёл ё туш кўрсатди кучин,  
Не учун юксакка юраклар интиқ.  
Бу умид, у ўша юрак парчасин,  
Олис осмонларга макон топтирган.  
Бу умид, мендеклар яна қанчасин,  
Сўнмас туйгуларга хўп ишонтирган.



## ЎСМА

Гўзал келин бир кун она бўлибди,  
Файзли хонадонга шодлик тўлибди.  
Эркалаб бағрига босар фарзандин,  
Билинки оналик бахти кулибди.

Қизалоқ юэига боқаркан она,  
Кўзмунчоқ кароғдан топаркан маъно.  
Пучуқкина бурни, гунчадек лаби,  
Хатто яногида холи бор - дона.

Нечун кўринмайди қошлари дермиш,  
Ёки чиқармикан тилларинг кумуш.  
Онасига йиғлаб қоши йўқ деса,  
Боқиб, кекса она камондек дермиш.

Ўсма териб келса аста сўлибди,  
Пилик каби уни қошга қўйибди.  
Узоқ тургач эса ювибди юзин,  
Хайратки, қошлари ўсма суйибди.

Бу ўзбек онаси, бу ўзбек қизи,  
Бу ўзбек момосин қилган дуоси.  
Бугуннинг қизига айтгувчи сўзим,  
Уволи тутмасин ўсма қаросин.

Бу қошлар Темурни ҳайратга солди,  
Бу қошлар Бобурни хаёлин олди.  
Қадрига етдию гўзал санамлар,  
Бу қошни терганлар армонда қолди.



## ФАЛАК

Менинг күзларимда отади тонглар,  
Менинг күзларимга ботади қуёш.  
Киприк орасича ўтади кунлар,  
Яногимда қотар бир томчи күз ёш.

Сочимга ўзини осади ғамлар,  
У оғир юкки, эгар бошимни.  
Эң гүзәл онлару ситамли дамлар,  
Елкамга күяди тақдир тошини.

Нолимайман сира ўтган кунимдан,  
Мендерек яшаб ўтар хатто капалак.  
Мендерек ҳис этади ҳаётни у ҳам,  
Күзимга бир құчоқ күринар фалак.

## УМИД ЯПРОГИ

Мана куз ҳам ўтиб бормоқда,  
Учириб шамолда түкилган баргни.  
Лекин ёлғизгина япроқ қолмоқда,  
Құрқиб пирпираиди ўртаб юракни.

Танҳо қолар энди шохга осилиб,  
Уни савалайди ёмғир беаёв.  
Ёраётган қор ҳам аста ёзилиб,  
Тонг сахар баданин музлатар қиров.

Қанчалар зулм қилсін унга табиат,  
Юрагида ёнар аллақандай чүг.  
Баҳорни соғинар армонда беҳад,  
Хозирча нурлардан ўзга паноҳ йүқ.



## ПЕШОНА

Үн бешингни ёруғ дедилар,  
Қолганимда зулматларингда.  
Ёруғ тонглар қутлуғ дедилар,  
Жон бор экан ҳикматларида.

Буни қора, буни оқ дедим,  
Ҳақиқатнинг қўлини тутиб.  
Соддаликда бошимни едим,  
Адолатнинг йўлини кутиб.

Бир тўлғониб тунлари чўчиб,  
Турсам тушар онам ёдимга.  
Хаёлда ҳам беозор қучиб,  
Дейди: «Келиб тургин ёнимга».

Яхшиларга тор деб дунёни,  
Сигмай кетар танамизга жон.  
Зулматлардан излаб зиёни,  
Бутун умр кезамиз сарсон.

Бу биз учун яратилган кун,  
Бу биз учун юборилган ризқ.  
Шукр қилиб яшамоқ учун,  
Пешонага чизилган чизик.

## МУНДАРИЖА

Хуршидабону. Мұхаббатдан сүзлаб кетган қалб	3
Хаёт	5
Мәхрнинг юрагида	6
Баҳорларни соғинган боғим	7
Бевафо ёр	7
Мен сени. Чектириб нола	8
Армон	9
Ишқ сабоги. Нигорим	10
Изимга түкилар	11
Наҳот	12
Кечиб кетолмадим. Ой акси	13
Анор гулига. Ишқим ишончини	14
Сен дея	15
Севги қурбони. Мұхаббатнинг қалби	16
Ишқ баҳти. Ёдинг билан	17
Қошинг тобутыда. Осмонимга тұлмади юлдуз	18
Хәёлим	19
Айирма	20
Күйган дил	21
Дард. Қандай чора бор	22
Синглим. Қизларнинг қалби	23
Олис олиб. Мехр шами	24
Хәёлимда. Қарогимда	25
Сен күксимга қўйганингда бош. Ул ёр	26
Бардош. Ишқ тикани	27
Тақдир экан	28
Хазил шеър. Саҳродаги гул.	29
Ёр-ёр.	30
...га	31
Ўзимга айт	32
«Қўзларим...» «Нега...»	33
«Сизга...». «Тақдирга...» «Олса...»	34
Мұхаббат	35
Ўзимман. Мұхаббатгинам	36
«Қўксимда...», «Күёв бола...»	37
Тугалланмаган шеърлар	38
Баҳор ёмғири. Тақдир	42
Орзу. Умид.	43
Ўсма.	44
Фалак. Умид япроги	45
Пешона	46.



Адабий-бадиий нашр  
Дилдора ҲОЖИМИРЗАЕВА

**«БАҲОРНИ СОҒИНГАН БОҒИМ»**

(Шеърлар)

Муҳаррир: Усмон ШУКУРОВ  
Мусаввир: Севара ҚУРБНОВА  
Тех муҳаррир: М.МИРЗАКАРИМОВА  
Мусаххих: М.УСМОН  
Компьютерчи: Ҳ.ПАРПИЕВ

Босмахонага 2005 йил 7 декабрда берилди.  
Босишига 2006 йил 6 январда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 1,25 босма табоқ.  
Буюртма 2222. 550 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

«Андижон нашриёт-матбаа» ОАЖ  
босмахонасида босилди.